Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 11-iyun, payshanba, № 71 (3576)

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Андижондаги «Idas elektroniks sistem» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун сифатли плеер ва рақамли соатлар тайёрланмоқда.

Зухриддин УМУРЗОКОВ (ЎзА) олган суратлар

ПЛЕЕР ВА РАҚАМЛИ СОАТЛАР

Етти йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхонада маҳаллийлаштириш дастури доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сифати ва иш унумдорлиги ортиб бормоқда. Айни пайтда корхона мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган “Matiz”, “Damas”, “Spark”, “Nexia”, “Lacetti” ва бошқа русумдаги автомобиллар учун CD/MP3 плеерлари (магнитофонлар), шунингдек, “Nexia” ва “Matiz” автомобиллари учун рақамли соатлар тайёрламоқда.

Корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида турли русумдаги автомобиллар учун 28 минг 900 дона SD/USB плеери ҳамда 26 минг 200 дона рақамли соат ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётган 90 га яқин ишчининг аксарияти ёшлардир. Мураккаб технологик жараёнлар асосида тайёрланадиган магнитофон ва соатлар коллежни битирган ёш мутахассислар томонидан ишлаб чиқарилаётгани эътиборга молик.

— Андижон ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини тамомлаганман, — дейди 1-ишлаб чиқариш линияси оператори Дилшодбек Абдужалилов. — Мана шундай замонавий корхонада ишлаётганимдан фахрланаман. Негаки, кўчаларимизни тўлдириб юрган енгил автомобилларимизда биз тайёрлаган магнитофон овозини эшитиш ғоят мароқли.

Корхона маҳсулотларининг сифати жаҳон стандартига, халқаро андоза ва талабларга тўла жавоб беради, шу боис улар харидоргирдир.

— Ишлаб чиқаришни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди корхона бош директори Авазбек Юсупов. — Кейинги йилларда янги линия — штамплаш цехи ишга туширилди. Натижада, CD/MP3 плеерларининг металл қисмларини шу ернинг ўзида тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунда бизга хорижий ҳамкорларимиз — Сингапурнинг «Sidas Global PTE LTD» компанияси мутахассислари яқиндан кўмак берди.

Корхонада маҳаллийлаштириш доирасида локализация жараёнини янада кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида яратилган барқарор инвестиция муҳити, тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай шароит ва имтиёзлар самарасидир.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири



ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Шарқ тароналари” Х халқаро мусиқа фестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

“Шарқ тароналари” Х халқаро мусиқа фестивали ижрочи директори Т.Маҳмудов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро мусиқа фестивали халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, дўстлик ва тинчлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. “Шарқ тароналари”нинг замирида мужассам умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият ва миллий анъаналар бунда муҳим омил бўлаётир.

Фестивал жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан жой олган. Анжуман ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани, мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, машҳур санъат намояндаларининг бу фестивалга қизиқиши ва эътибори ортиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Хусусан, 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, 2013 йилги анжуманда 53 давлатдан санъат намояндалари иштирок этди. Жорий йилда фестивалда олтмишдан ортиқ мамлакатдан вакиллар қатнашиши кутилмоқда.

Матбуот анжуманида фестивалнинг ташкилий жиҳатлари, бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Айни кунларда меҳмонларни кутиб олиш ва концерт дастурларини юқори савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Анжуманнинг мазмунли ўтиши учун Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб саёҳат, таълим муассасалари ва тарихий обидалар билан танишув, миллий ҳунармандлик, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари, ижодий учрашувлар ва маҳорат машғулотлари ўтказиш режалаштирилган.

Фестивал доирасида “Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги” мавзусида илмий конференция ўтказилади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Римда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо давлатларни уларнинг очарчиликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатлари учун мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришган ва жорий йилда мукофотланган 14 мамлакатдан бири бўлди.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистонга ушбу нуфузли мукофотнинг топширилиши тарихий воқеадир. Ҳолбуки, 25 йил аввал, яъни мустақилликка эришиш арафасида мамлакатимиз асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, буғдой, ёрма, гўшт, сут маҳсулотлари, тухум ва шакарни четдан олиб келишга мажбур эди. Бугунги кунда Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжини нафақат мустақил таъминламоқда, балки юртимизда ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилаётир.

Ушбу ютуқларга эришиш тарихи воқеаларга бойдир. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз ўз умрини ўтаб бўлган маъмурий режалаштириш-тақсимлаш тизимидан тўлиқ воз кечди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўли танланди. Чунончи, бу борада фермер хўжаликлари ташкил этилди, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллаштирилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг ташкилий тузилмалари жорий этилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланди.

Қулай табиий-иқлим шароитида амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар самарасида юқори сифатли сархил мева-сабзавотлар етиштириш имконияти кенгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши мамлакатимиз озиқ-овқат саноати корхоналари юксалишига олиб келди. Пировард натижада буларнинг барчаси аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини ҳал этишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига, тўлақонли овқатланиш нормаларига эришилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян тажриба тўплаган Ўзбекистон 2001 йилда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо бўлди. Шу тариқа мамлакатимиз халқаро илғор тажрибани ўрганиш, ўз имкониятларини намойиш этиш, долзарб масалаларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда ишлаб чиқиш учун янги имкониятларга эга бўлди.

Мамлакатимизда ФАО билан ҳамкорлик самарасида ўнлаб миллий ва минтақавий лойиҳа амалга оширилди. Сувни тежаш ва сув ресурсларини бошқариш бўйича мутахассислар тайёрланиб, замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Ерга ишлов бериш, селекция ва уруғчилик, шунингдек, чўлланиш ва ер емирилишига қарши курашишнинг илғор услублари ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Бунинг натижасида ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда маҳсулот ҳажми ва сифати ошмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат хомашё, балки тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш борасида давлатимиз имкониятлари кенгаймоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ДИЛНИ РАВШАН ҚИЛГАН НУР

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

— Болаларим эрталаб боғчага бормайман, деб тинмай хархаша қиларди, — деб эслайди пойтахтлик Дилором ая Мамадиёрова. — Бугун набираларим тарбияланаётган муассасадаги шарт-шароитлар, қулай тарбиявий муҳит, ўз фаолиятидан қониқиб, меҳнати рағбатлантирилаётганидан мамнун мутахассисларнинг очиқ чеҳраси кичкинтойларни мактабгача таълим масканларига чорлаётганини кўриб қувонаман.

Озод ва обод юртда яшаш бахти юртдошларимизнинг мактабгача тарбия масканларига «бола фақат ўйнаб турадиган жой» деган қарашларини ўзгартирди.

ТАЪЛИМГА ҚЎЙИЛГАН САРМОЯ — КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Буюк аллома Абу Наср Форобий “Таълим-тарбиянинг бирдан бир вазифаси киши яшаб турган жамиятнинг талабларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган ва жамиятни бир бутунликда тинчлик ва фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган мукаммал инсонни етиштиришдадир”, дейди. Шу боис истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

(Давоми 3-саҳифада).

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИСТИҚБОЛ

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР



— дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Энг ёш дастурчи» номинацияси ғолиби Саида Бекназарова.

— Ушбу мақол мен каби минглаб ёшлар ҳаётида ўз ифодасини топаётганини кўраяпман. Ўзбекистон мустақилликка эришганида 5 ёшда эдим. 2003 йили Наманган муҳандислик педагогика институтига ўқишга қабул қилиндим. 2007 йил институтни имтиёзли диплом билан тугатиб, магистратура йўналишида таҳсилни давом эттирдим.

Баъзан жажжи қизчамга қараб туриб, ёркин келажакни кўргандек бўламан. Чунки юртимизда комил инсон бўлиб вояга етиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ҳозир Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Аудиовизуал технологиялари» кафедрасида катта ўқитувчиман. Кафедра томонидан тайёрланадиган дарсликлар, қўлланмаларни таҳрир қилишга ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман. Ёшларнинг жамиятдаги муносиб ўрнини белгилаш, ақлий қобилиятини, илмий салоҳиятини ривожлантиришда ўтказилаётган кўргазма ва форумларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. «Best Soft Uzbekistan 2013», «Онлайн система — конструктор проектирования медиаконтентов «mediacourse builder» кўргазмаларида ўз лойиҳаларим билан иштирок этдим ва айни пайтда «Инновацион ғоялар» республика кўрик-танловининг «Ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» йўналишида ғолиб бўлдим. Устозим, илмий раҳбарим профессор Қаҳҳор Абдурахмонов бошчилигида «Методы моделирования дискретно-непрерывных процессовобработки информационных ресурсов в TIAV — мультимедийных системах» мавзусидаги илмий тадқиқот ишини ниҳоясига етказиб, докторлик диссертациясини ҳимоя-га тайёрлаш устида иш олиб бораяпман. Миллий матбуотимизда ва хорижий журналларда 30 дан ортиқ илмий мақолаларим чоп этилган. Бундан ташқари, 6 та муаллифлик гувоҳномасига эгаман ва энг қувонарлиси, булар турли муассасаларда татбиқ этилган.

36 та илмий-амалий конференция, 25 та халқаро симпозиум, конгресслар ва семинарларда илмий ишларим билан қатнашганим мен учун ўзига хос тажриба мактаби бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар кенгашига аъзоман. Ёшлар орасида илм-фанга қизиқишни орттириш, профессионаллик қобилиятларини оширишда кўмаклашиш, касбга доир яратган янгиликларини кенг оммага етказиш ва татбиқ этиш ва албатта, жамоатчилик ишларида фаол бўлишда кўмаклашиш ниятидаман.

Дарвоқе, ўтган йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан таъсис этилган «Энг ёш дастурчи» номинацияси бўйича грант соҳибаси бўлдим. Ушбу грант илмий ишимни ривожлантиришга яна бир омил бўлди десам, янглишмаган бўламан.

Нозима УМАРОВА
ёзиб олди

2015-yil 11-iyun, payshanba, № 71 (3576), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ҲАМ АМАЛИЙ, ҲАМ НАЗАРИЙ

ТАНЛОВ

"Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг Бухоро шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧЛАР

Кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этилган ишлар синчиклаб ўрганилиб, танлов Низоми асосида баҳоланди. Якуний хулосага биноан аъзолар сони 100 нафаргача бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, аъзолар сони 100 нафардан ортиқ бўлган жамоалар ўртасида Бухоро "Мурувват" ногирон болалар учун интернат уйи касаба уюшма қўмиталари "Энг намунали бошланғич ташкилот" деб топилди. Ғолиблар бошланғич ташкилотлар танловнинг кейинги босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Маҳфуза ҚЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг хотин-қизлар комиссияси аъзоси

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Аъзолар сони 100 нафардан зиёд бўлган бошланғичлардан "Қува текстил" МЧЖ касаба уюшма ташкилоти биринчи, Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма ташкилоти иккинчи, Фарғона маиший хизмат касб-ҳунар коллежи касаба уюшма ташкилоти учинчи ўринни қўлга киритди. Аъзолар сони 100 нафардан кам бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасидаги баҳсда биринчи ўрин вилоят "Сувоқава" давлат бошқармаси касаба уюшма ташкилотига, иккинчи ўрин Фарғона шаҳар "Қиргули иссиқлик манбаи" МЧЖ касаба уюшма ташкилотига, учинчи ўрин "Фарғона чарм-полимер" МЧЖ касаба уюшма ташкилотига насиб этди.

Шаҳар кенгаши томонидан ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотларнинг ижобий иш тажрибаларини тизимда оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш режалаштирилди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилаётган бир ҳафталик ўқувларда тизимдаги бошланғич ташкилотлар етакчиларидан 25 нафари қатнашаётир.

Ўқув жараёнида касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари, меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва ижроси, ходимларни соғломлаштириш ҳамда иш унумдорлигини оширишда ишлаб чиқариш гимнастикасининг ўрни каби мавзуларга бағишланган маърузалар тингланмоқда.

Иштирокчилар Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонасида бўлишди.

— Ҳамкасбларимиз фаолиятимиз билан яқиндан танишди, — деди шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси Норбўта Қурбонов. — Ўзаро фикр алмашув ҳар иккала томон учун ҳам фойдали бўлди.

Шунингдек, етакчиларга бошланғич ташкилотларда конференция, йиғилиш, қўмита мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, жамоа шартномаларини тузиш, расмийлаштириш тартиблари ва соҳага оид бошқа ҳужжатларни юритиш ҳақида маълумотлар берилаяпти.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Чуст туманида ўтказилган ўқув-семинарда бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали йўлга қўйиш хусусида сўз юритилди. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг "Туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларининг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги раёсат қарори асосида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш афзалликлари таъкидлаб ўтилди.

ФОЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР

Тадбирда тармоқлардаги бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси И. Шарофиддинов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Р.Содиқов, юридик бўлим етакчи мутахассиси М. Зарипов, шунингдек, қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Ўқув давомида бошланғич ташкилотларнинг ўқув-услубий таъминотини кучайтириш, улардаги касаба уюшма фаолларининг билим даражасини юксалтириш, меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашга кўмаклашиш, меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини янада ривожлантириш, жамоа шартномалари ва келишувларини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш борасида тавсиялар берилди.

Муқаддас ФАЗЛИДДИНОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чуст туман кенгаши раиси

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Яккасарой туман кенгаши ҳамкорлигида «Ишга жойлашишдаги имтиёзлар, меҳнат кафолатлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдаги имтиёзлар» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштирок этишди.

БИТИРУВЧИЛАР ИШТИРОКИДА

Семинарда бирлашма кенгашининг бўлим мудири Саидмаҳмуд Аъзамов, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Дилшод Аҳмедов, «Трастбанк» кредит бўлими бошлиғи Жасур Раҳимов, "Ҳунарманд" уюшмаси шаҳар бош бошқармаси бошлиғи Чори Шодиев, Савдо-саноат палатаси шаҳар бошқармасининг бўлим бошлиғи Ҳасан Мадалиев иштирок этиб, битирувчиларга тадбиркорлик йўналиши бўйича бугунги кундаги имтиёзлар, банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитларни олиш тартиби, касаба уюшмасига аъзоликнинг афзалликлари, Халқаро меҳнат ташкилотининг республикамиз томонидан ратификация қилинган Конвенциялари ҳақида сўзлаб беришди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

КЎРИК

ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЭНЕРГЕТИК

Тармоқ ва корхоналар тараққиётига хизмат қилувчи инновацион ғоялари, илмий-техник лойиҳа ва таклифлари билан фаол иштирок этиб келаётган ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасида "Энг фаол ёш энергетик" кўрик-танлови ўтказилди.

Корхонада меҳнат қилаётган 1459 нафар ходимдан 430 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Танловнинг финал босқичига чиққан 7 нафар ёш мутахассис томонидан тақдим этилган лойиҳалар тегишли Низом талаблари асосида баҳоланиб, ғолиблар сараланди.

Кимёвий тайёрлаш қурилмасида сувни тозалаш, юмшатиш, технологик жараёнда автоматик бошқариш ва назоратни жорий қилиш йўналишидаги инновацион лойиҳаси билан иштирок этган Марат Серикбоев биринчи ўринга лойиқ топилди. Таъкидлаш жоиз, 2007 йил Тошкент давлат техника университетини битириб, ушбу корхонага ишга қабул қилинган Марат билимдон ва меҳнатсеварлиги боис, қисқа вақтда масъул вазифаларга кўтарилди. Айни пайтда у станция навбатчилик бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда.

Корхонанинг ахборот-ҳисоблаш маркази системачи-муҳандиси Азиз Шораимов танловга тақдим этган электр энергиясини симсиз узатувчи қурилмаси учун иккинчи ўринни қўлга киритди. Электр станциясининг ўқув ишлаб-чиқариш марказида дастурловчи муҳандис Мадияр Умбетов газ поршенли кичик электр станциялари лойиҳаси билан учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Эътиборли томони, танловда ёқилғи, ускуналар, энергияни тежаш бўйича тақдим этилган лойиҳалар долзарблиги, замон талабига жавоб бериши билан муҳим аҳамият касб этади, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мунира Қосимова.

Ғолиблар ва барча иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
"Ishonch" мухбири

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Кенгаш раиси Ф.Аллаберганов ҳисобот берар экан, касаба уюшмалари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари янада кучайтирилганини, соғломлаштириш кўлами янада ошганини эътироф этди.

Кенгаш тасарруфига янги аъзолар қабул қилиш, улар манфаатдорлигини таъминлаш чоралари давом этмоқда. Ҳисобот даврида ташкилот ва муассасалар жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинди. Боқувчисини йўқотган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш, ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, соҳа ходимларининг ногирон фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 58 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларнинг 54 нафар фарзандига ўқув қуроллари олиб берилди, ходимларнинг олий ўқув юртида таълим олаётган фарзандларидан 17 нафарига контракт пуллари қисман тўлаб берилди.

Музокарада сўзга чиққанлар фаолиятни янада яхшилаш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси Гулистон ва Қарши шаҳар кенгашлари ҳисобот-сайлов конференциялари ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

* * *

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бу йил нуфузли танловларда катта ютуқларни қўлга киритган тармоқ тасарруфидаги корхоналар вакилларини тақдирлаш маросими билан бошланди.

Президент соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус — 2015" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши тадбиркор" дея эътироф этилган "Фусункор" МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Насибахон Тешабоевага ҳамда "Касаба-тур" веломарафони республика босқичида биринчиликни эгаллаган "Овчи" хусусий корхонаси ишчиси Темур Обидовга кенгашнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шундан сўнг кенгаш раиси Абдуманноб Абдураимовнинг ҳисоботи тингланди. Қайд этилганидек, касаба уюшмалари тизимида тузилмани ва фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган аниқ мақсадли ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ҳозирда Андижон шаҳрида жойлашган тармоқ тизимидаги 207 та корхонанинг аксариятида жамоа шартномалари имзоланган. Ушбу ҳужжатларга ёшлар, аёллар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди.

Конференцияда сўз олганлар галдаги устувор вазифалар тақсимоти, қуйи ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, нодавлат сектордаги корхоналарни тизимга кенгроқ жалб этиш масалалари бўйича мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

* * *

Тармоқ касаба уюшмаси Жалақудуқ, Қибрай, Бўстонлиқ туман кенгашлари ҳамда Қарши, Наманган, Жиззах ва Бекобод шаҳар кенгашларида ҳам ҳисобот-сайлов конференцияси очиқ ва ошкоралик тарзида ўтди.

***

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Жиззах вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Ғаппор Эргашев маърузасида таъкидланганидек, ҳисобот даврида нодавлат секторда фаолият кўрсатаётган ходимларни касаба уюшма хизматига олишга эътибор кучайтирилди. Қисқа вақтда 35 та нодавлат сектордаги хўжалик юритувчи субъектларда касаба уюшма ташкилоти тузилиб, уларда меҳнат қилаётган беш мингдан зиёд ходим манфаати ҳимояга олинди.

"Ўздарётранс" агентлиги вилоят ҳудудий бўлими, вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази, ягона буюртмачи "Инжиниринг компанияси" каби идораларда тузилган тендер ўтказувчи комиссиялар таркибига касаба уюшма фаолларининг ҳам киритилгани айни муддао бўлди.

Ҳисобот даврида тармоқ тизимидаги жамоа шартномаларига ходимлар учун қўшимча имтиёзлар киритишга эришилди. Турли спорт мусобақаларида тармоқ вакилларининг фаол иштироки таъминланаётир. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга эътибор ортмоқда.

Музокарада сўзга чиққанлар фаолиятни янада такомиллаштириш борасида таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Эришилган ютуқлар қатори мавжуд камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

Анжуманда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудири Дилдора Ҳошимова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Аъзам Ихтиёров сўзга чиқишди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Агросаноат мажмуи ходимлари Қарши шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида кенгаш раиси Тўйчи Жуманов амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида жамоа шартномалари орқали эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган 860 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Шу даврда шаҳар кенгашига 26 та ёзма ва 440 та оғзаки мурожаат тушиб, улар белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва ўз ечимини топди. Жумладан, "Қаршиёғэкстрация" корхонаси тасарруфидаги Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасининг 26 нафар ходими кенгаш аралашуви билан вазифасига тикланди.

Ташкилот ва корхона ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилиб, бу борада касаба уюшма фаолларининг иши жонланди. Натижада, 2013 йилдан буён бахтсиз ҳодиса кузатилмади.

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тинглангач, музокаралар жараёни бошланди. Унда вилоят "Агробанк" ОАТБ касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуд Султонов, "Қаршиёғэкстрация" ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Шоди Тошниёзов, вилоят карантин давлат инспекцияси бош ҳисобчиси Зулфия Остонова, вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази касабақўм раиси Исматулла Холмаҳматов сўзга чиқиб, кенгаш фаолияти бўйича ўз фикрларини билдиришди.

Кенгаш раислигига Тўйчи Жуманов қайта сайланди.

* * *

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳисобот давридаги фаолиятга, жумладан, амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликларга атрофлича тўхталиб ўтилди.

Таъкидландики, ҳозирда шаҳардаги тармоққа қарашли 194 та ташкилот, муассасада жамоа шартномалари имзоланган бўлиб, уларда ходимлар учун тегишли имтиёз ва афзалликлар акс этган. Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши ўртасида тизимдаги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўйича тармоқ келишуви қабул қилинган бўлиб, ушбу келишув ва жамоа шартномалари орқали 30 минг нафардан зиёд меҳнаткаш ҳамда талаба-ёшлар қамраб олинган.

Бандликни таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Бундан ташқари, ўтган даврда 150 та бошланғич ташкилот фаолияти ўрганилиб, амалий ёрдам берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўтган вақтда 420 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Дарвоқе, амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йилларда шаҳар кенгаши томонидан 79 та янги касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 432 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди.

Бу каби эзгу ишлар қаторида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги, келгусида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар таъкидланди.

Муҳайё Ғаффорова тармоқ касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгашига раис этиб сайланди.

Конференцияда устувор вазифалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбирларимиз

2015-yil 11-iyun, payshanba, № 71 (3576), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ДИЛНИ РАВШАН ҚИЛГАН НУР

(Давоми.Бошланиши 1-саҳифада).

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни юксак маънавият, теран ва соғлом тафаккур соҳиби этиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилди. Бу йўналишда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, қатор фармон ва қарорлар фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — ИНСЕАД томонидан инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгалламоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон ўз умри давомида оладиган барча маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача олар экан. Айни шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган илк масканлар фаолиятини тубдан янгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Кичкинтойларда ватанпарварлик, фидойилик, мустаҳкам ирода каби фазилатларни шакллантириш, уларнинг жисмоний-интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига яқиндан кўмаклашиш, қобилиятини юзага чиқаришга хизмат қиладиган кўплаб лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда.

Бошланғич ва бирламчи таълимга қўйилган талабларнинг мукаммаллашгани сабабли ушбу муассасалар замонавий жиҳатдан жиҳозланиб, фаолияти такомиллаштириб борилаётир. Бу саъй-ҳаракатлар мазкур масканларни болаларни мактабга тайёрлашда асосий вазифаларни бажарадиган муҳим тарбия ўчоғига айлантирди.

Бугунги кунда уй бекалари ҳам фарзандларининг яхши таълим-тарбия олиши, соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилиши учун уларни ушбу муассасаларга бермоқда. Сабаби, мактабгача таълим масканларига бўлган ишончнинг юқорилигидир. Ота-оналар истаган вақтида машғулотларнинг бевосита иштирокчисига айланиши, таомларини татиб кўриши, боласи кунни қандай ўтказаётганини кузатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимизда давлат тасарруфидаги қарийб 5 минг мактабгача таълим муассасаси ҳамда 75 шундай нодавлат муассасада 586 мингдан ортиқ кичкинтой тарбияланмоқда. Тарбия масканларини юқори салоҳиятли, малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, реконструкия қилиш, зарур техник, ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

2011-2013 йилларда давлат бюджети ҳисобидан 10 миллиард сўмга яқин маблағ ушбу таълим муассасалари тарбияланувчилари мантиқий фикрлашини ўстирувчи 24 хилдаги ўйинчоқлар, керакли ўқув воситалари билан таъминлашга сарфланди. 2014 йилда мамлакатимиздаги 4800 тайёрлов гуруҳига 7 турдаги жамланма ўйинчоқлар етказилди. Мазкур жамланма таркиби тасвирий санъат машғулотида фойдаланиш мумкин бўлган маркер, акварел бўёқлари билан тўлдирилган бўлса, «Образли ўйинлар жамланмаси» болаларни бирор-бир касбга йўналтириш, мутахассис сифатида ўйин ўйнаш имконини яратади. «Математик доскача», «Ҳаммасини билишни истайман» деб номланган ўйинчоқ-компютерлар жамланмаси болаларнинг ақлий салоҳиятини ўстиришга хизмат қилади.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

«Ота-оналар учун 5 китоб» лойиҳаси доирасида нашр этилган — «Ўқиш ва саводга тайёрлаш», «Математик тасаввурларни шакллантириш», «Шеърий асарлар тўплами», «Насрий асарлар тўплами», «Соғ танда — соғлом ақл» қўлланмалари ота-оналар учун янада қулайликлар туғдирди. Ундан мактабгача таълим масканларига қатнамайдиган болаларни уйда ўқитиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Маҳалламиздаги Гулсанам ая набираларининг таълим-тарбиясига жиддий ёндашади.

— Бугунги давр болалари жуда зукко-да. Кичик набирам Сарвиноз уч ёшда. Гапиришлари бурро. Инглиз тилидаги сўзларни айтганида қувончим ичимга сиғмайди. Унинг саволлари ҳатто ойисини ҳам шошириб қўяди, — дейди ая.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси кўмагида 3-6 ёшли қизлар учун ҳафтасига икки марта «Зумрадойлар давраси» тўгарак машғулотлари амалиётга жорий этилди. Бу фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена қоидалари, одоб-ахлоқ тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Уларнинг жисмонан соғлом бўлишини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақаси мунтазам ўтказилмоқда.

Мактабгача таълим даргоҳларининг ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳларидаги тарбиявий жараёнларда болаларни Ватанга муҳаббат, миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга йўғрилган машғулотлар тизимли олиб борилмоқда. Уларнинг илк билимлари шаклланиши, тафаккур доираси кенгайиши, мустаҳкамланиши ва бойишида қизиқарли машғулотлар, хорижий тиллар, бадиий гимнастика, шахматшашка, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, спорт, экологияга оид турли тўгараклар, музей ва кутубхоналар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларига болалар қамровини ошириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида қўшимча чоралар ишлаб чиқилди. Кичкинтойларни саводга тайёрлаш, нутқини ўстириш, гигиеник кўникмаларини шакллантириш билан бирга тасвирий санъат, мусиқа саводхонлиги, маънавиятини юксалтириш, Ватанни севиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини муттасил ривожлантириб боришга хизмат қиладиган «Болажон» маърифий ва "Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари" дастурлари интеллектуал ўйинлар билан янада бойитилди. Шу билан бирга, «Қисқа муддатли гуруҳлар» учун дастур яратиш, методист, психолог, дефектолог мутахассисларининг фаолиятини кенгайтириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 303-муассаса тарбияланувчиларининг ота-оналарига «Фарзандингиз кунни қандай ўтказаётганини билишни, уларнинг фаолиятини кузатишни хоҳлайсизми? Унинг орзулари ҳақида тўлиқ маълумотга эгамисиз? Истеъдодли кичкинтойингиз рақсини, қўшиқ ёки шеър айтишини, расмлар чизишини кўришни истайсизми?» деган мазмундаги хатлар тарқатилди.

Бу болаларининг кун давомида қандай машғулотлар билан бандлиги, уларнинг қизиқиши, дўстлари билан яқиндан танишишни истаётгани катталар томонидан ижобий қабул қилинди. Улар кун давомида кичкинтойлар билан бирга орзулар қилишди, расмлар чизиб, рақсга тушишди. Мамлакатимиздаги барча мактабгача таълим муассасаларида йилига икки марта ўтказиладиган «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари жажжи фарзандларимиз қалбида ўзига, келажакка бўлган ишончни оширишга хизмат қилаётир.

Истиқлол халқимизга фахр-ифтихор, келажакка умид билан яшаш туйғуларини қайтарди. Тарбиячилар, соҳа жонкуярларининг соғлом тафаккурли фарзандларни тарбиялаш, вояга етказиш учун қилаётган фидокорона ҳаракатлари кўнгилларга нур бағишлайди. Бу соғлом авлод орзусини рўёбга чиқариш, юртимизнинг келгуси тараққиёт босқичларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, «Бизнинг эзгу ниятимиз — келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш. Бизнинг тараққиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган».

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбари 2014 йилда "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам шу ҳақда сўз юритди. Конференцияда мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилаётгани, аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келаётгани ва бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўп экани таъкидланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳар йили дунёнинг 80 давлатига 180 дан ортиқ турдаги сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Президентимиз мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари олдига 2020 йилда мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтириш вазифасини қўйди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ернинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорлар топиш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантириш ҳам муҳим масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон ушбу истиқболли вазифаларни инобатга олган ҳолда, ФАО билан самарали ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қарор қилди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силванинг мамлакатимизга ташрифи бу борада муҳим қадам бўлди. Олий даражада ўтказилган музокаралар чоғида Ўзбекистонда ушбу халқаро ташкилотнинг ваколатхонасини ташкил этиш ҳақида келишувга эришилди.

Бунинг натижасида 2014 йилда ФАО ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади. Мамлакатимиз ва хорижий мутахассисларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари юртимиз қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, ушбу йўналишдаги илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон тажрибасини тарғиб этишга қаратилган.

ФАОнинг Марказий Осиё бўйича субминтақавий мувофиқлаштирувчиси ва Ўзбекистондаги вакили Юрико Шожининг сўзларига кўра, ўтган йили 2014-2017 йилларга мўлжалланган мамлакатлар ҳадли дастурининг имзоланган Ўзбекистоннинг ушбу халқаро ташкилот билан яқин ҳамкорлигининг муҳим йўл харитасига айланди. Мазкур дастур қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш ва чорва моллари саломатлигини яхшилаш, зараркунандаларга қарши курашиш, балиқ етиштиришни кенгайтириш ва сув ресурсларидан барқарор асосда оқилона фойдаланишга қаратилган.

Хусусан, ФАО табиатга зиён етказмаган ҳолда деҳқончилик билан шуғулланиш ва бошқа янги қишлоқ хўжалиги услубларини жорий қилиш соҳасида техник кўмаклашмоқда. Сақлаш муддати ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, йиғиштириб олиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича янги технологиялар ҳаётга татбиқ этилаётир.

— Шу йилнинг март ойида Ўзбекистон билан ФАО ўртасида умумий қиймати қарийб 1,6 миллион долларлик тўртта шартнома имзолангани ушбу дастурни амалга оширишда амалий механизм бўлиб хизмат қилаётир, — дейди ФАОнинг Ўзбекистондаги вакилининг ўринбосари Алишер Шукуров.

2014-2017 йилларга мўлжалланган мамлакатлар ҳадли дастури доирасида Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. Тажриба ўтказилаётган фермер хўжаликлари мисолида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чоралари намойиш этилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермер ва мутахассислар малакасини ошириш, бу борадаги замонавий технологияларни жорий этиш бўйича таништирув тадбирлари ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ушбу чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз позициясини мустаҳкамлаб, глобал озиқ-овқат дастурини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради. Жорий йилда бутун дунёда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш якунланади. Давлатлар Барқарор ривожланиш мақсадларига босқичма-босқич ўтмоқда ва ушбу мақсадларга эришиш Ер юзида очарчилик муаммосини бартараф этиш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат. Шу йилнинг март ойида БМТ «Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ ишлар аҳволи — 2015» маърузасини эълон қилди. Ушбу ҳужжатда «очарчиликка қарши курашишда тараққиётга эришган мамлакатлар бу борадаги ишларни барқарор сиёсий шароитларда амалга ошириб, инклюзив иқтисодий юксалиш, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмон хўжалигининг ривожланишини таъминлади» дейилган. Бу ҳақли равишда Ўзбекистонга ҳам тааллуқлидир. Зеро, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураётгани, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва ҳар биримизнинг янги билим ҳамда ютуқларга интилишимиз фаровонлигимиз кафолатидир.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Умрини яхши амаллар билан безаган инсон кексаликка хотиржам қадам қўяди. Фарзандлар роҳати, оилавий фароғат, тану руҳ сиҳатлигининг қадри айни шу паллада янада теранроқ англанади. Бугун замонавий хизмат турларига эга санаторийларда саломатлигини тиклаётган нуронийларимизнинг хотиржам қиёфаси, ҳикматга тўла чеҳрасидаги бахтиёрлик ҳам бунинг тасдиғидир.

ҒАМХЎРЛИК КЎНГИЛНИ ЯШАРТИРАДИ

"Кексаларни эъзозлаш йили" дастури доирасида Санатор-курортлар бошқармаси томонидан Наманган вилоятидаги "Косонсой" ва "Чортоқ" санаторийларида соғломлаштирилаётган кексалар ўртасида шахмат-шашка мусобақалари ўтказилди.

"Косонсой" санаторийсида ўтказилган мусобақада 12 нафар қария иштирок этди. Шахмат бўйича Жиззах тумани Саройлик қишлоғида яшовчи 73 ёшли меҳнат фахрийси Очил Раҳмонов ғолибликни қўлга киритди. Шашка бўйича эса Оҳангарон тумани Қорахитой қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Собир Қаюмов 1-ўринни эгаллади.

Мусобақаларда яна бир иштирокчи ўзининг тажрибаси ва фаоллиги билан ажралиб турди. Бу инсон Андижон вилояти Избоскан туманида яшовчи 93 ёшли Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Зулумбой ота Мадраҳимов бўлиб, қувончини шундай ифодалайди:

— Бундай бахтиёр кунларнинг қадри биз учун, айниқса, бўлакча. Истиқлолга эришдик, ҳурлик, она Ватан каби муқаддас тушунчаларни теран англай бошладик. Мен 1942 йилда фронтга кетиб, миномётчи бўлиб хизмат қилдим. Қонли жангларда иштирок этдим. Уруш оқибатларини бартараф этишга жалб қилиндим. Нолимайман, жанговар хизматларимиз учун қатор орден ва медаллар билан тақдирлашди. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилдим, новвойчилик орқасидан элнинг дуосини олдим. Аммо бугунгидек қадрланиш кишининг қалбини тўқинлантириб юборарканг. Санаторийда бепул дам олаяпмиз. Шифокорларнинг ширинсуханлиги, самимийлиги Косонсойнинг беғубор ҳавоси каби дилга қувват бахш этмоқда.

"Чортоқ" санаторийсида ўтказилган спорт мусобақасида эса 15 нафар фахрий ғолиблик учун курашди. Шахмат бўйича Маҳмудхон Закрияев, шашкада Одилжон Файзибоев ҳамда Флюра Соибова алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

— Умр бўйи оилам, болаларим дея елиб-югуриб, кексалик ёшига етганингизда фарзандларингиз, атрофдагилар томонидан қадрланишингиз ҳам катта саодат экан, — дейди косонсойлик 77 ёшли отахон Маҳмудхон ҳожи Закрияев. — Қадру эъзоз, аввало, кўнгилни ёшартиришини янада теран ҳис этаяпман. Ҳар йили фарзандларим "Чортоқ" сиҳатгоҳига дам олиш учун жўнатишади. Бу ерда саломатлигимни тиклаб қайтаман, қадрдонлар билан дийдорлашаман, тенгдошларим билан дилдан суҳбатлашаман. Истиқлол шарофати билан шундай кунларни кўраётирмиз. Бунинг учун, аввало, Яратганга беҳисоб шукрона келтириш баробарида, Юртбошимиз ва у кишига эзгу ишларида қўшқанот бўлаётган жамики инсонлар ҳақига ҳамиша дуодамиз.

Дилдора РАҲМОНОВА,
"Ishonch" мухбири

Реклама ва эълонлар

АУКЦИОН САВДОЛАРИ ХАБАРНОМАСИ.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 9 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар хўжалик судининг 05.09.2014 йилдаги 10-1420/2571-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Озиқ-овқат моллари» очиқ акциядорлик жамияти улгуржи савдо базаси кредиторларининг 29.05.2015 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 08.06.2015 йилдаги 178-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги жами бошланғич баҳоси 14 980 408 943,50 (Ўн турт миллиалрд тўққиз юз саксон миллион тўрт юз саккиз минг тўққиз юз қирқ уч сўм 50 тийин) сўм бўлган, жумладан: 1. Тошкент шаҳри, Олтинкўл кўчаси, 2-муолиш, 115-уйда жойлашган бино-иншоотлари ва асосий воситалари бошланғич баҳоси 8 285 900 439 сўм. 2.Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Чиркизов кўчасида жойлашган савдо дўкони биноси: бошланғич баҳоси 60 406 524 сўм. 3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» Қ.Ф.Й, Шухрат кўчасида жойлашган савдо дўкони биноси: бошланғич баҳоси 85 350 981 сўм. 4. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош посёлкаси, «Янги шаҳар» маҳалласида жойлашган маъмурий биноси: бошланғич баҳоси 792 422 812 сўм. 5. Асосий воситалари бошланғич баҳоси 2 540 049 949 сўм. 6. Товар моддий бойликлари бошланғич баҳоси 357 382 465 сўм. 7. «Сирдарё гўшт сут савдо» масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 39,38 фоиз улуши бошланғич баҳоси 1 607 117 000 сўм. 8. «Sholi Invest» масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 3,012 фоиз улуши бошланғич баҳоси 14 317 000 сўм. 9. Бошланғич баҳоси 1 237 461 773,50 сўм бўлган дебиторлик қарзларини талаб қилиш ҳуқуқи биргаликда яхлит мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 2015 йил 8 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:-00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 20 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ, ҳ/р: 20208000700234536001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 96410.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ.

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Лицензия RR 0170, тел: 0 (371) 233-21-18. **Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru.**

Хизматлар лицензияланган.

"Respublika mulk markazi" AJ "Toshkent mintaqaviy filial" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти Бекабод шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 1 июндаги № 55-Ф сонли фармойиши ва 2015 йил 1 июндаги №1/1-788 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Бекабод шаҳар, F.Ғулом кўчаси 1-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 844 ТАА бўлган 2000 йилда ишлаб чиқарилган техник соз, "Газ 3110" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 190 434 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 13 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2015 йил 10 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 13 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 20 ва 27 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 20 июл савдолар учун 17 июл куни соат 18:00; 27 июл савдолар учун 24 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Хизматлар лицензияланган.

«Surxondaryo universal kim oshdi savdo» МЧЖ корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги автомототранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

I.Термиз тумани ДСИ томонидан савдога чиқарилган "Шевроле-Нива" 212300LГБАСНГ русумли, 2005 йилда и/ч, 75/407 ААА д/б, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси — 5 153 000 сўм.

II.Ўзагросуғурта ДАСК (ОАЖ) Ангор туман бўлими томонидан савдога чиқарилган "Тико" русумли, 1997 йилда и/ч, 75/376 FAA д/б, носоз автомашина. Бошланғич баҳоси — 1 520 000 сўм.

Аукцион савдолари Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уйда жойлашган, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2015 йилнинг 13,15,17,22 июл кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Мазкур автотранспорт воситалари ушбу савдоларда сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдолар 6-,7 август кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo universal kim oshdi savdo» МЧЖ корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ "Ҳамкорбанк"даги ҳ/р: 20208000600426628002, МФО:01001, ИНН:303172243 га сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳар, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 8-376-223-07-96. Гувоҳнома № 637

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ 2015 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Сайхунобод тумани ИИБ маъмурий биносини капитал таъмирлаш	177 177 347 сўм	147 647 789 сўм	90 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Ички Ишлар Вазирлиги ҳисобидан.

Буюртмачининг манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М. Аҳтамова кўчаси, 30. Тел.: 0 (3672) 27-63-86.

Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

- Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда, қурилиш пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотларнинг танлов савдоларда иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.

- Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100фоизни ташкил қилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Аҳтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Тел (факс): (0 3672) 27-64-42.***

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 87 960 сўм.

Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази биносида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

2015-yil 11-iyun, payshanba, № 71 (3576), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Китоб инсонни баркамоллик сари етаклайди, қалбларга нур олиб киради. Бежизга «Китоб — офтоб» демаймиз. Офтоб оламни ёритса, китоб ақлни чароғон этади, қалбни ҳикмат ёғдулари билан нурлантиради. Ахборотнинг замонавий усуллари ва воситалари қанчалик ривожланмасин, телевидеоускуналар қанчалик такомилга етмасин, китоб инсонга маърифат улашувчи бебаҳо омил сифатида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу ҳақиқат мамлакатимиз бўйлаб «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида ўтган китоб байрамида қайта-қайта эътироф этилди. Ўзига хос маънавият байрамида 100 га яқин нашриёт, китоб савдоси ташкилотлари, матбаа корхоналари ва минг-минглаб юртдошларимиз фаол иштирок этди. Қолаверса, ҳар йили 3 мингдан зиёд номдаги, умумий адади 45 млн. нусхадан ортиқ китобларнинг нашр этилаётгани юртимизда адабиётга, маънавиятга алоҳида эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир.

Одамнинг маънавий оламини яратаман десангиз, аввало, китоб керак, минглаб, юз минглаб китобни билиш керак. Китоб яшашга ўргатади.

Асқад МУХТОР



ИЛМ ВА ИБРАТ МАСКАНИ

Қарши шаҳридаги 29-умумтаълим мактабида ахборот-ресурс маркази фаолияти намунали йўлга қўйилган.

— Кутубхонамизда жами 17033 та китоб мавжуд,— дейди мактаб ахборот-ресурс маркази раҳбари Феруза Бўронова. — Ўқитувчи ва ўқувчилар улардан самарали фойдаланмоқда. Мактабимиз директори Жамила Тўрақулованинг жонбозлиги натижасида АРМнинг моддий-техника базасини қисқа вақт ичида яхшилашга, кутубхонани янги адабиётлар билан тўлдиришга эришилди. 2014 йилда мактаб маъмурияти томонидан 400 минг сўмлик бадиий китоблар сотиб олинган бўлса, 2015 йилнинг уч ойида 600 минг сўмлик янги адабиётлар харид қилинди.

АРМ интернетга уланган. Компютер, проектор ва бошқа зарур техникалар замонавий таълим олишда асқатаяпти. "Биз инглиз тилини ўрганамиз" бурчаги ташкил этилиб, зарур ўқув қуроллари, адабиётлар билан таъминланган. Бундан ташқари, бир қанча матбуот нашрларига обуна бўлганмиз.

Мактаб яқинида жойлашган Алишер Навоий номидаги маҳалла аҳли билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Аҳоли орасида китобсеварлар кўп.

— Шоира Зулфия тавалудининг 100 йиллигига бағишлаб "Балли, қизлар!" кўрик-танловини ўтказдик, — деди мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Дилрабо Мўминова. — Иштирокчи қизлар турли шартлар бўйича мусобақалашди. Шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган адабиётлар кўргазмаси барчада катта таассурот қолдирди. Маъмурият, касаба уюшма қўмитаси, маҳалла, мактаб ва Қарши шаҳар ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида тез-тез турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштирамиз.

— Кутубхонадан мунтазам равишда турли китоблар олиб ўқийман, — дейди муассаса ходимаси Нафосат Асадова. — "Ўткан кунлар", "Чолиқуши", "Кеча ва кундуз" ва бошқа асарларни севиб мутолаа қилдим. Ҳамкасбларим ҳам турли қўшимча адабиётлардан фойдаланишади. Интернетдан зарур маълумотларни оламан.

— Ҳар куни икки соатни мутолаага ажратаман, — дея сухбатга қўшилди яна бир ходим Ҳасан Аминов. — Янги-янги адабиётларнинг тез-тез олиб келинаётгани китобхонларнинг кўпайишига ҳисса қўшяпти.

— Ўқитувчи ва ўқувчиларимизнинг бўш вақтини кутубхонада ўтказиши айни муддаодир, — дейди мактаб директори Жамила Тўрақулова. — Зеро, адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов айтганидек, "Бадиий адабиёт инсон юрагини тозалайди, маънавий қиёфасини гўзаллаштириб, эзгуликка ошно қилади. Дунёда бошқа ҳеч нарса инсон шахсини шакллантириш ва улғайтиришда китобчалик катта рол ўйнамайди. Адабиёт ўқитувчисининг вазифаси ўқувчи-ёшларнинг ёзма ва оғзаки саводхонлигини оширишдангина иборат эмас, балки у китобхон тайёрласин. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи ҳам китобхон бўлсин". Бу фикрлар барча устозларга дастурламалдир.



Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ХАЙРЛИ ТАДБИР ЗАВҚИ

Мадад ва рағбат эзгу ниятнинг амалга оширишда қанот бўлади. Соҳибқирон Амир Темур невараси Муҳаммад Тарағайни "улуғим" деб алқаган экан. Натижада, бу бола чиндан ҳам улуғ инсон — Мирзо Улуғбек бўлиб оламга танилди. Таъбир жоиз бўлса, юртимизда ёш авлодга бўлган муносабат ҳам Соҳибқиронинг мурувватига ўхшайди. Кейинги йилларда ёш авлоднинг маънавий камолоти йўлида қилинаётган тадбирларни санаб саноғига, айтиб адоғига етиш қийин.

Хусусан, анъанавий тарзда ўтказилаётган китоб байрамлари, болалар китоби фестиваллари, турли танлов ва тадбирлар уларни илму маърифатга янада яқин ошно этаётгани билан аҳамиятли. Зеро:

Китоб бор уйга нур, файз ёғар десам,
Балки бу китобий гапга ўхшайди.
Ўқишга очилган китобни кўринг,
Дуога очилган кафтга ўхшайди.

Китоб уйимизга ва кўнглимизга зиё олиб кирадиган офтобимиз.

Мана, ёзги таътил бошланиб, болажонларимиз дам олиш масканларига йўл олишди. Уларнинг маънавий-маърифий камолоти, тарбияси билан шуғулланиш эса бир лаҳзага ҳам тўхтамайди. Оромгоҳларда яхши китоблар ўқиш имконияти етарли.

Шу ўринда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бир қатор вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда ташкил этган болалар қўшиқлари, шеърлар ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танлови ҳақида тўхталсак. Таъкидлаш жоизки, бу танлов айни пайтида ва жуда тўғри ўтказилди. Зеро, болажонларимизнинг маънавий-руҳий тарбияси такомилида қўшиқнинг ўрни беқиёс. Қўшиқ ҳеч бир тўсиқсиз қалбга ва онгга кириб бориб, кучли таъсир эта оладиган маънавий қудратдир.

Ушбу нуфузли танловда кўп шоир ва бастакорлар иштирок этди. Жумладан, мен ҳам унда қатнашиб, "Қўшиқ учун ёзилган энг яхши шеър" номинацияси бўйича 1-, "Энг яхши марш қўшиғи" номинацияси бўйича эса 2-ўринни олдим ва диплом ҳамда ноутбук билан тақдирландим. Бу бир ижодкор сифатида менга завқ-илҳом, янги ижодий парвозлар сари қанот беради.

Ушбу танлов шарофати билан яратилган қўшиқлар эса ёш авлодни истиқлолга садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Дилшод РАЖАБ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

СУРХОННИНГ ИЛК НАШРИЁТИ

Сурхондарёлик ижодкорлар китоб чиқармоқчи бўлса, Қарши, Самарқанд, Тошкент шаҳарларига боришарди. Термизда "Сурхон-нашр" масъулияти чекланган жамияти томонидан китоб чоп этилиши йўлга қўйилгач, бу муаммо барҳам топди.

Корхона 2013 йил 4 октябрда 5 нафар ходим билан иш бошлади. Корхона раҳбарияти қисқа вақтда касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 10 нафарини иш билан таъминлади.

Яқинда корхона негизида нашриёт ташкил этилди.

— Нашриётимиз болалар адабиёти, бадиий, маърифий, ижтимоий-сиёсий, тасвирий санъатга оид асарлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий-техник, қомусий ва бошқа китобларни чоп этади, — дейди муассаса директори Жума Шайматов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

ҲАРБИЙ ҚИСМ ЗИЁХОНАСИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимига қарашли Ширин шаҳридаги Н-ҳарбий қисм бошланғич ташкилоти ҳузуридаги кутубхона фаолияти таҳсинга лойиқ.

Мазкур зиё масканида ҳарбий китобсеварлар учун барча қулайликлар яратилган. Китобни ўқув залининг ўзида ҳам, олиб кетиб ҳам ўқиш мумкин.

— Кутубхонамиз 1,5 мингта китоб фондига эга, — дейди ҳарбий қисм командирининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Алишер Исоқов. — Шунингдек, 12 турдаги газета ва журналлар билан танишиш имкони бор.

Ҳарбий қисм бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Зулайҳо Қаршиева эса қуйидаги фикрларни билдирди:

— Ташкилотимиз кутубхона фондининг бойишида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари алоҳида ўрин тутади. Бу йил ҳам Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ташкил қилган тадбиримизга бирлашма ходимлари иштирок этиб, мумтоз адабиётлар тўпламини топширишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

ТОКЧАДАГИ КИТОБЛАР

Бугунни теран англамоқ учун кечаги кунни ҳам эслаб турмоқ жоиз. Китоб ва китобхонлик ҳақида ўйлаганимда, негадир, болалигим ёдимга келади.

Ганжкори меҳмонхонамиздаги токчаларда териб қўйилган китоблар кўз олдимда намоён бўлади. Менга сирли бўлиб туюладиган бу китоблар оилавий йиғинларда пастга тушарди. Чарм муқовалари нақшинкор, варақлари нафис, шойидек товланиб турувчи бу дурдоналарни раҳматли дадам овоз чиқариб ўқир, ҳамқишлоқлар жим туриб эшитарди. Дадам вафотидан кейин уларни Музаям аммам ўқийдиган бўлди. «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси, Алишер Навоий, Машраб ғазаллари мурғак қалбимга ўша кезлари шуъла таратган.

Онажоним эса дадамдан мерос китобларни кўз қорачиғидек асрар, уни ҳеч кимга ишонмасди. Айтишларича, уйда китоб сақлашнинг ҳам хосияти бор экан. Фақат уни вақти-вақти билан ўқиб туриш керак. Шунда китобдаги ҳикматдан уйга яхшилик ёғиларкан.

Шундан бўлса керак, онам бу қадимий китобларга алоҳида ҳурмат билан қарарди. Ҳар уй кўтарганимизда ювиниб-тараниб, тоза кўйлакларини кийиб, китоблар боғлаб қўйилган шойи рўмолни авайлаб очарди. Кейин бирма-бир уларни ўқиб, кўзларига суртиб, тавоф қиларди. Онамнинг бу ҳаракатларидан завқланиб кулардик. Шунда волидам шундай дерди:

— Китобни кўриб турсанг ҳам покланасан, руҳинг қувватланади, уйингдан фаришталар қочмайди.



Волидам айтган бу ҳикмат мағзини кейинчалик англаб етдим. Китобга ошно бўлмоқ, ҳатто унга қараб турмоқ ҳам одамни яхшиликка, илм-маърифатга бошларкан.

Амина ҚОДИРОВА,
"Ishonch" мухбири

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'loniar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:30**
Topshirildi — **22:00**
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133